

ЗАМОНАВИЙ МУДОФАА ҚУДРАТИГА ЭГА ЎЗБЕКИСТОН АРМИЯСИ ХАЛҚИМИЗНИ ВА ЮРТИМИЗДАГИ ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ДОИМ ТАЙЁР

Бошланиши 1-бетда

Таълим жараёнига ўқитишнинг илғор рақамли технологиялари, жумладан, сунъий интеллектга асосланган ва замонавий баҳолаш тизимлари жорий этилгани ҳарбий кадрлар тайёрлаш сифатини янги босқичга олиб чиқди.

Йиғилишда мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Турли минтақавий можаролар кенгайиб, қуролланиш пойгаси авж олаётгани, умуминсоний кадриятларга ҳурмат, халқаро ҳуқуқ нормалари ва халқаро дипломатия заифлашиб бораётгани қайд этилди.

— Бир нарсани тушуниб олиш зарур. Замонавий уруш табиати тубдан ўзгарди. Энди қайси давлат фақат танк, самолёт ёки аскарлар сонига таяниб га-лаба қозонаман деса, қаттиқ адашади. Ҳозирги жан-глар сунъий интеллект, рақамли бошқарув, узоқ ма-софага юқори аниқликда зарба берувчи воситалар, кибер ва робот технологиялар, сиёсий-иқтисодий босим асосида олиб боришмоқда, — деди давлати-миз раҳбари.

Шу боис, тинчлик ва хотиржамлик энг қиммат бойликка айланаётганини бир дақиқа ҳам унутмас-лик лозимлиги таъкидланди. Бу бойлиқни асраб-авайлаш учун эса ҳар бир соҳа ва тармоқ хавф-хатар-ларга олдиндан жавоб қайтариш бўйича “проекти иш режими”га ўтишиш шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Олий Бош Қўмондон келгуси истиқболга мўл-жалланган энг муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини янада тако-миллаштиришга устувор эътибор қаратилади.

— Шунини унутмаслик керакки, ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизация қилиш армиянинг янги қиёфасини шакллантиришнинг асо-сий шартидир, — деди Президент.

Муддатли ҳарбий хизмат — фақат jisмоний ва ҳарбий тайёргарлик эмас, балки ёшларимиз жа-миятда мустаҳкам ўрнини топиши учун уларни меҳнат бозорига ва мустақил касбга тайёрлаш босқичи си-фатида ташкил этилиши зарурлиги қайд этилди.

Жумладан, армияда ёшлар камидда битта касб эгаси бўлиб чиқishi бўйича мутлақо янги тизим яратилади. Ҳарбий қисмлардаги асосий йўналиш ва мутахассисликлардан келиб чиқиб, аскарларни касбга тайёрлаш бўйича 3-6 ойлик дастурлар ишлаб чиқилади. Дастурни якунлаган аскарлар малака имтиҳонидан ўтказилиб, уларга касб сертификати берилади.

Ҳар йили 5 минг аскар саралаб олиниб, “Бир миллион дастурчи” ва “Беш миллион сунъий интел-лект етакчиси” дастурлари доирасида ўқитилади.

Аскарларга муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳарбий қисмининг ўзида олийгоҳга ўқишга кириш учун имтиҳон топириш имконияти ярати-лади. Тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, та-лабаликка қабул қилинган аскарлар муддатли ҳар-бий хизмат якунланиши билан олийгоҳда ўқishини бошлайди.

Шу билан бирга, армиядан қайтиб, олий ўқув юртларида тахсил олмокчи бўлган ёшларга хори-жий тил ва фан сертификати олиш харажатлари

қоплаб берилади. Агар улар олийгоҳларга контракт асосида қабул қилинса, физисиз таълим кредити ажратилади.

Бундан ташқари, армиядан қайтган ёшлар банд-лигини таъминлаш бўйича ҳам алоҳида имтиёзлар берилади. Жумладан, тадбиркорлик билан шуғул-ланиш истигадаги ёшларнинг кредит харажатининг 6 фоизи давлат томонидан қопланади, давлат таши-лотларига ишга кирмокчи бўлган ёшлар учун Бош-қарув самарадорлиги агентлиги томонидан ўткази-ладиган тест балларига 10 фоизлик имтиёз бериш амалиёти жорий қилинади. Хусусий секторда фао-лият юритмокчи бўлган ёшларга касбни эгаллаш ва сертификат олиш харажатлари тўлаб берилади.

— Бир сўз билан айтганда, “муддатли ҳарбий хизматни ўташ — ёшлар учун муваффақият йўли”га айланиши керак, — деди Президентимиз.

Мухандислик-техник, киберхавфсизлик ва ахо-рот хуружларига қарши курашиш соҳаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш энг муҳим маса-ла экани таъкидланди. Шу боис, мухандислик-тех-ник йўналишдаги ҳарбий-илимий базани мустаҳкам-лаш, жойларда ҳарбий технопарклар ташкил этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигини янада мустаҳкамлаш билан бирга, уларнинг маъ-навий оламини ҳам мунтазам бойитиб боришни за-моннинг ўзи талаб етмоқда.

Бунда китобхонлик муҳим ўрин тутди. Шу боис, жорий йилда барча ҳарбий қисм ва муассаса-лар жами 1 миллион нусхадаги бадий адабиётлар билан таъминланади.

Қуролли Кучлар тизимидаги ҳарбийга йўналти-рилган мактаб-лицей ўқувчилари, муддатли ҳарбий хизматчилар, курсантлар, сержант ва офицерлар ўртасида Олий Бош Қўмондон соврини учун китоб-хонлик танлови йўлга қўйилади. Округ, қўмондон-лик, вазирлик, Олий Бош Қўмондон танловларида голиб ва совриндор бўлган аскарларнинг муддатли ҳарбий хизмати бир ойга қисқартириб берилади.

Ҳар йили ҳарбий хизматчилар ўртасида кўпқу-раш, қўл жанги, оғир атлетика каби спортнинг 10 дан ортиқ анъанавий турлари бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Энди жорий йилдан бошлаб кибер-спорт, дрон ва робот технологиялари каби замона-вий спорт турлари бўйича уч босқичли мусобақалар ташкил этилади.

— Минтақавий ва глобал вазиятни доимий таҳлил қилиб бориш, миллий армиямизнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш — бутунги кун талаби. Ўзбекистон армияси халқ ҳимоясига доимо тайёр туриши, бунинг учун тезкор, юқори технологияли, янги жанш шари-отларига мос бўлиши керак, — деди Президент.

Шу сабабли, қўшинларни сунъий интеллект асо-сидаги роботлашган мажмуалар ва учувчисиз тизимлар, енгил ҳарбий техника, замонавий қурол-аслаҳа, раз-ведка воситалари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз мудофаа саноатини янада ривож-лантириш, соҳа корхоналарида рақамли технология-лар ва сунъий интеллектни жорий этиш устувор ва-зифалардан бири бўлиши кераклигини қайд этди.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини рақамлаштириш шароитида киберхавфсизлиқни

таъминлаш ва миллий рақамли инфратузилманинг барқарорлигини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб етди. Шу боис, мутасаддиларга шахсга доир маълумотлар ва рақамли ҳимоясини таъ-минлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни белги-лаш топширилди.

— Ҳарбий хизматчилар меҳнатини қадрлаш, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий пенсионерларни ижтимоий ҳимоя қилиш доимо диққат-эътиборимиз марказида бўлиши зарур, — деди Президентимиз ва бу борада катта янгилликларни эълон қилди.

Хусусан, 1 апрелдан бошлаб Мудофаа вазирлиги офицерларига кўп йиллик хизмати учун устама миқ-дори 2 қарра оширилади. Контракт асосида хизмат қилаётган оддий аскар ва сержантларнинг ойлик маоши 10 фоизга кўпайтирилади.

Худудий мудофаа ишлари бошқармаси ва бў-лимларининг ҳарбий бўлган хизматчиларининг ойлиги бу йил 20 фоизга, келаси йили яна 50 фоизга оширилади.

Қуролли Кучлар сафида 30 йилдан ортиқ хизмат қилган ҳарбийлар учун пенсия ҳисоблашда инobat-га олинадиган ойлик миқдори 75 фоиздан 100 фоиз-га етказилади.

Шу билан бирга, ҳарбий хизматчилар учун уй-жой қурилиши кенгайтирилади.

Масъулларга ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминотини белгиладиган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, парламентга киритиш топширилди.

Замонавий хавф ва таҳдидларнинг мазмунини ҳам, кўлами ҳам кундан-кунга ўзгариб бораётгани, мудофаа ва хавфсизлик соҳаси олдига катта вази-фалар қўйилаётганини инobatта олиб, давлатимиз раҳбари саккиз йил олдин қабул қилинган Мудофаа доктринаси ҳамда 1997 йилда қабул қилинган Мил-лий хавфсизлик концепциясини қайта кўриб чиқиш вақти келганини кўрсатиб ўтди.

Янги Мудофаа доктринаси мамлакатимизни ҳеч қайси ҳарбий блока қўшилмаслик макомини сақлаб қолишини, кўп томонлама дипломатияга таянишда давом этишини, юқори технологияларга асосланган стратегия, ҳарбий мустақиллик ва ми-нтақавий барқарорлик йўналишида ривожланишини таъминлаши лозимлиги таъкидланди.

— Умуман, янги доктрина армияни технологик янгилаш ва илгор ҳарбий ечимларни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши керак, — деди Пре-зидентимиз.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш якунида Қуролли Кучларимизнинг жасур аскар ва сержантлари, офицер ва генераллари, фахрийлари, уларнинг оила аъзолари ва яқинларини Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ҳамда Ва-тан ҳимоячилари кунин билан самимий табриклади.

— Сизларнинг жасоратингиз, қасамёдга садоқат-тингиз, эл-юрт ҳимояси йўлидаги фидойилигингиз билан бутун халқимиз фахрланда. Ўзгал юртимиз-да тинчлик-осойишталик ва ҳамжихатлик доимо ҳукм сурсин, жонажон Ваганимиз янада мустаҳкам ва барқарор бўлсин! — деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда мудофаа вазири, ҳарбий округ қў-мондонлари ва бошқа масъулларнинг ҳисобот ҳамда таклифлари эшитилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 34 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Ибрагимов Азимжон Сиддиқ ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Ким Александра Владимировна — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси батальони гуруҳ катта мутахассиси

Лапасов Муслумбек Сайфулла ўғли — Ўзбеки-стон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Муминов Ваҳобжон Абдувалиевич (марҳум) — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл-патруль хизмати катта инспектори

Мухаммадов Жасуржон Расул ўғли (марҳум) — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Судейманов Зйдулло Муродилло ўғли — Ўзбекис-тон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Узаков Авазбек Тилаволдиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Хусанов Ином Тахирович — Ўзбекистон Респу-бликаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси бошқарма бошлиғи

Шомуратов Мансур Буриевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказ катта ўқитувчиси **Эргашев Амирхон Бахридирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм коман-дининг ўринбосари

Қўшанов Мансур Бурхон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Абдимўминов Аброр Исроилович — Ўзбекис-тон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг Сурхондарё ви-лояти бўйича бошқармаси “Сариосиё” темир йўл че-гара божхона пости гуруҳ инспектори

Алиев Жамшид Валижонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинла-ри ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

Бадалбоев Феруз Юсуфович — Ўзбекистон Респу-бликаси Ички ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғи

Бобоев Мишод Муратович — Ўзбекистон Респу-бликаси Бош прокуратураси марказ бошлиғи

Буваев Турғунбой Мадаминжонович — Ўзбекис-тон Республикаси Судьялар олий кенгаши суд инспек-цияси раҳбари

Жўраев Мақсуд Турсунбоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ катта йўриқчиси

Исаков Собиржон Қодирович — Ўзбекистон Респу-бликаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,
2026 йил 12 январь

Ш. МИРЗИЁЕВ

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ҲАРБИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗАГИ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари таширф якунида мамлакатимиз му-дофаа саноати салоҳиятини янада мустаҳкамлаш бўйича топшириқлар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев Тошкент вилояти-даги Махсус операциялар кучлари полигонини билан таниш-ди.

Президентимиз ташаббуси билан сўнгги йилларда Му-дофаа вазирлиги қўшинларидаги барча дала ўқув майдон-лари, ҳарбий қисм ва муассасаларда модернизация ишлари олиб борилиб, улар халқаро стандартларга мослаштирилди.

Махсус бўлинмаларни самарали тайёрлаш мақсадида халқаро тақриб ва қўшинларни тайёрлашнинг замонавий теңценцияларини ҳисобга олиб ташкил этилган Махсус операциялар кучларининг янги полигонини мазкур ишларнинг мантикий объекти бўлди.

Полигон давлатида шахсий таркибининг жанговар қў-никмаларини тақомиллаштириш, тайёргарлик машғулотла-рини самарали йўлга қўйиш ҳамда маънавий-руҳий барқа-рорлигини ошириш учун зарур шароитлар яратилган.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги жанговар ва махсус тай-ёргарлик машғулотларини ташкил қилишнинг янги усул-лари билан танишди. Қуролли Кучлар бўлинмалари билан ўтказилаётган машқларнинг фол босқичини кузатиш.

Ўқув давомида турли қўшинларга мансуб бўлинмалар-нинг жанговар имкониятлари ҳамда уларнинг биргаликдаги ҳаракатларининг мувофиқлашганлик даражаси, шунингдек, қўшинлар ва қурол-яроғни бошқаришнинг янги рақамли ти-зимлари намойиш этилди.

Турли жанговар операцияларни ўтказишда учувчисиз учиш аппаратларидан самарали фойдаланиш усуллари, шу-нингдек, турли хил ўқув-жанговар вазифаларни бажариш жараёнида артиллерия, авиация, ҳаво ҳужумидан мудофаа ва қуруқликдаги қўшинларнинг биргаликдаги ҳаракатлари кўрсатилди.

Бунда кичик командаларнинг замонавий рақамли тех-нологиялардан фойдаланган ҳолда мустақил қарор қабул қилиш қўникмалари ва бошқарув маҳорати даражаси, шу-нингдек, ҳарбий хизматчиларнинг тез ўзгариб бораётган жанговар вазият шароитида жанг майдонида замонавий қурол-яроғ ва техникани самарали қўллаш бўйича касбий маҳоратини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўқув якунида Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони бўлинмаларнинг тайёргарлиги ва уларнинг биргаликдаги

ҳаракатларида эришилган уйғунлик даражасини юқори баҳолади.

Давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларнинг қўмондонлик таркиби билан бўлган суҳбатда дунёда хавфсизликка таҳ-дидлар авж олаётган бүгунги таҳликали кунларда Қурол-ли Кучларимиз салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, халқ ва армия бирдамлигини таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳарбий соҳадаги ислоҳотларнинг ўзагини ташкил этиши кераклигини таъкидлади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев Чирчиқ шаҳридаги технопаркка таширф буюриб, мудофаа саноати корхоналари фаолияти билан танишди.

Бу ерда зирхли ва махсус техникалар ҳамда илгор функ-ционал имкониятлари ва техник хусусиятлари билан ажра-либ турадиган бир неча турдаги кузатув бошқариладиган жанговар модулларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ушбу ечимлар ҳаракатланувчи ва тургун нишонларга, шу жумладан, қўриниш чекланган шароитларда ўт очини-лаш тизимлари, Автоматлаштирилган бошқарув, барқарор-лаштириш, оптик ва акустик кузатув тизимлари, шунингдек, замонавий нишонга олиш воситалари билан жиҳозланган.

Давлатимиз раҳбарига асосий бутловчи қисмларни йиғиш, оптик-электрон ва барқарорлаштириш тизимлари-ни ўрнатиш, дастурий соझлаш ва герметиклигини назорат қилиш, қурол-аслаҳаларнинг интеграциялаш ва комплекс си-новларни ўз ичига олган ишлаб чиқариш босқичлари ҳақида маълумот берилди. Якуний босқичда тайёр модуллар енгил зирхли техника намуналарига ўрнатилади ва дала шароити-да текширилади.

Жанговар модуллар турли платформалар, жумладан, ен-гил зирхли техника, махсус автомобиллар, катерлар ва зирх-ли транспортёрларни жиҳозлаш учун мўлжалланган.

Лойиҳа бир қатор хорижий ҳамкорлар билан биргалик-да юртимизнинг тегишли идоралари ва саноат корхоналари иштирокида амалга оширилмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз мудофаа саноати ко-рхоналарида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқа-ришни кўпайтириш, иш ўринларини яратиш, ўз саноат ва технология базасини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари маҳсулотларнинг сифати ва ишонч-лилигига доир талабларга қатъий амал қилиш, маҳаллий-лаштиришни изчил кенгайтириш, мухандислик компе-тенцияларини ривожлантириш ва саноат кооперациясини чўқурлаштириш муҳимлигини таъкидлаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

ОРОМИНГНИ ОГОҲЛАРИНГ ҚЎРИҚЛАЙДИ

Сен ортимдан таъна тоши отма, иним,
Номард азал мардларга тик йўлқимайди.
Аллоҳ шохид, билгил, халқим, жон ватаним,
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

Ўзбекистон кўзимизда ёнган шамдир,
Шаҳидларинг киприклардан тушмас намдир,
У отамдир, у онамдир, у боламдир,
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

Ори борнинг боши мудом осмон бўлган,
Мардлар доим юрти учун қалқон бўлган,
Ким айтибди, сотқин каслар инсон бўлган,
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

Жоним ватан — жонимизнинг чашмасисан,
Сен онамнинг оппоқ сочи, кўз қошисан,
Миллатимнинг энг кексаси, энг ёшисан,
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

Биз бир эмас, бизлар юз минг, биз миллионмиз,
Буюк халқмиз, биз Теурий Туркистонмиз,
Шу ватанга жонлар посбон, унга жонмиз,
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ ҚУДРАТИ — ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗ РЎЎБИНИНГ РАВОН ЙЎЛИ

Инсон учун киндик қони тўкилган ер қадрли бўлади, қаерда бўлмасин унга талпиннаверади. Ватанини севиш, уни ардоқлаш инсон табиатидаги нозик ва теран туйғу. Ҳаётимизга маъно ва мазмун олиб кирувчи тинчлик-хотиржамлик каби неъматнинг қадрига етиш, шукр қилиш, Ватан тинчлигини асраб-авайлаш барчамизнинг бурч ва вазифамизга айланган. Буни, айниқса, юрт ҳимоячиси деган шарафли ва масъулиятли касбни танлаган ҳарбийларимиз янада теранроқ англайди.

Бир неча кундириқ, шуқуҳи билан яшайётганимиз — Ватан ҳимоячилари куни санаси нафақат ҳарбий хизматчилар, балки айни вақтда армия сафларида ўз бурчини ўтаб қайтган ватандошларимиз ва эртага хизматга шай турган минглаб навқирон йигитларимиз байрами. Унинг катта тантана билан нишонланиши халқимизнинг ўз миллий армиясига нисбатан чексиз ҳурмати, алп йигитларига нисбатан ифтихорини билдиради. Шунингдек, бу юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва барқарорлик самарасидир.

Дона халқимизнинг “Юрт қўри — элинг ўсар, қўримасанг — уйинг тўзар”, деган мақоли бор. Ватанини ҳимоя қилиш, уни кўз қорачиқдек асраб-авайлашга шу эл фарзандиман деган ҳар бир юрtdошимиз бурчли дедик. Зеро, инсоннинг ўз халқига садоқати ва фидойилиги она Ватанини ҳимоя қилиши, юртининг тараққий топиб, ҳар томонлама мустақкам ва қудратли бўлишига ҳамда халқнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечирашига имкон даражада ҳисса қўйиши билан ўлчанади.

Дунё миқёсида турли хавф-хатарлар, қуrolли тўқнашувлар тобора авж олиб бораётган ўта мураккаб ҳозирги вазиятда Қуrolли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва маънавий шайлигини ошириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Кейинги йилларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли Қуrolли Кучларимиз мамлакатимиз мустақиллиги, чегараларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашнинг чинакам кафолатига айланди. Барча қўшин турлари замонавий қуrol-яроғ ва техника билан таъминланмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий тайёргарлиги узлуксиз ошиб бормоқда. Миллий армиямиз ёшларимиз учун мардлик ва шон-шараф мактабига айланмоқда. Энг муҳими, халқ билан армия тобора яқин бўлиб бораётгани ҳарбий соҳа ривожига янгича куч ва сифат бағишланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган Ҳавфсизлик кенгаши йиғилишида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳарбий спорт соҳасига йўналтириш борасида муҳим топшириқлар белгилаб берилган эди.

Бугунги глобаллашув шиддати мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёш авлоднинг ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол йигит-қизлар этиб вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 2 мартдаги “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори айни мақсадларга хизмат қилгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжат асосида ташкил этилган мазкур ҳаракат айни пайтда 300 мингдан ортиқ ёшни атрофида бирлаштириб, ҳарбий-ватанпарварлик, миллий ғоя ва

Ҳақиқий маънодаги ватанпарвар авлодни тарбиялаш долзарб масалалардан бири. Бинобарин, мамлакатимиз тараққийотини, халқимизни янада жиқлаштирган Учинчи Ренессанс эл-юртимизни юракдан севган, унинг тақдирини ўз тақдир деб билган фидойи ва ватанпарвар инсонларгина таъминлай олади.

Бугун кўплаб ота-оналар фарзандининг Темурубеклар мактабида таҳсил олиши, ҳарбий бўлиб, Ватанига сидқидилдан хизмат қилишини истади. Бу янгиланаётган ва фаровон Ўзбекистонга муҳаббат, унинг танти халқига садоқатдан далолатдир. Зеро, ҳарбийлар қалбида халққа, юртга муҳаббат туйғуси қанчалик жўшқин бўлса, халқ ҳам уларга шунчалик яқин бўлади. Айниқса, ён-атрофимизда нотинчлик ҳукм суриб турган шу таҳликали кунларда одамларимиз барча орзу-умидлари, эртасини миллий армиямиз ва унинг истиқболи билан боғлайди.

Миллий армия — бизнинг фахримиз ва гўруримиз! Унинг қудратини намоён этиб турган мард ва жасур ўғлонларимиз кечаю кундуз сергак туриб, давлатимиз сарҳадларини кўриқлаётгани, халқимиз фаровонлиги йўлида жонларини-да беришга тайёр турганини барчамиз юракдан ҳис қилишимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари Олий Бош Қўмондони томонидан илгари сурилаётган ғоялар, фикр ва

мулоҳазаларнинг мазмун-моҳияти ёш авлод таълим-тарбиясининг нақадар муҳим масала эканини ургўлайди. Бугунги ёшларимиз мана шу Ватан, шу муқаддас туپроқнинг эртанги эгалари эканини қалбларимизга теранроқ англаётди.

“Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳи ва жисмоний тайёргарлигини мунтазам ошириб бориш, уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғусини кучайтириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Чунки ҳар қандай курашнинг тақдирини шахсий тарқибнинг билим ва малакаси, ирода ва қатъияти, ўзига бўлган ишончи, мардона фазилатлари ҳал қилади”.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табригида айtilган юқоридаги ташбеҳлар ҳам барчамизда билдирилган жуда катта ишончни оқлаш масъулиятини кучайтиради.

Зеро, ҳарбийларимиз азму шижоати, эл-юртга садоқати туфайли халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти таъминланмоқда, мамлакатимизнинг мудофаа салоҳияти мустақкамланмоқда, миллий армиямизнинг жанговар қобилияти юксалмоқда.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табригида айtilган юқоридаги ташбеҳлар ҳам барчамизда билдирилган жуда катта ишончни оқлаш масъулиятини кучайтиради.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

“ВАТАН ТАЯНЧИ” 500 МИНГДАН ОРТИҚ ЁШ МАЗКУР ҲАРАКАТ АЪЗОСИ БЎЛДИ

қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда ўзига хос ўрин тутмоқда.

Мамлакат миқёсида умумий ўрта таълим мактабларида 10 минг 201 та, Президент мактабларида 14 та, ихтисослаштирилган ҳамда спорт мактабларида 203 та “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати гуруҳлари ташкил этилган.

Мазкур гуруҳ аъзолари Мудофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги ҳарбий-техник мутахассисликларни тайёрлаш марказларида ўқитилди. Шулардан 3000 га яқини мудатли ҳарбий хизматга йўл олди. Жорий ўқув йилидан нодавлат таълим муассасаларида 275 та, академик лицейларда 60 та, техникумларда 469 та “Ватан таянчи” гуруҳи фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳаракат томонидан ўтказилаётган “Турон йўлбарслари”, “Ватанпарварлар”, “Шунқорлар”, “Шилжоат ва ғайрат” каби ҳарбий-спорт мусобақалари ёш авлодни Ватан тақдирига дахлдорлик, маънавий-ахлоқий, миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда



қонунларимизга юксак ҳурмат руҳида тарбиялаш, ҳарбийлик касбига қизиқишни ошириш, маънавий-жисмоний чиниктириш ҳамда жамоавий ишлаш кўникмасини мустақкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, мазкур ҳаракатнинг энг сара аъзоларидан ташкил топган таркиб

Қозоғистонда ўтказилган ҳарбий-ватанпарварлик йиғинида Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Беларусь ва Россия ёшлари орасида турли шартлар бўйича рекорд натижалари қайд этиб, фахрли ўринларни эгаллади.

Энг муҳими, умумтаълим мактабларида чақирувга қадар тайёргарлик

фани синфлари моддий-техник базаси мустақкамланиб, ўқувчиларнинг назарий билим олиши билан бирга амалий машғулотларни пухта ўзлаштиришига замин ҳозирланди. Шу тариқа ўтган даврда 500 мингдан ортиқ ёш “Ватан таянчи” ҳаракати аъзоси бўлди.

“Ватан таянчи” гуруҳлари аъзосига олий ҳарбий ва олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тўплаган балларидан беш фойз қўшимча имтиёзли балл берилади. Ҳаракат иштирокчилари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри мудофаа ишлари бошқармалари ҳузурида ташкил этилган чақиривчиларни ҳарбий-техник мутахассисликларга тайёрлаш марказларида чавандозлик, алоқачилик, ошпазлик йўналишлари бўйича ўқитилади ва муддатли ҳарбий хизматда мутахассислиги бўйича хизматни давом эттиради.

“Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати фақат аъзолар сонини оширишни эмас, балки ўз келажигини ҳарбий хизмат билан боғлаш орзусидаги ўғил-қизлар учун пухта тайёргарликнинг дастлабки қадами сифатида янада ривожланишни мақсад қилган. Айни йўналишдаги ислохотлар эса сифат ва самарадорлигини муттасил оширишга хизмат қилляпти.

Этиборлиси, олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш истагидаги ёшлар сафи йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Агар буни ҳаракат доирасидаги рақамларда кўриб чиқсак, 2023/2024 ўқув йилида

1926 иштирокчига имтиёз берилган бўлса, шундан 221 нафари, 2024/2025 ўқув йилида эса имтиёз берилган 3372 иштирокчидан 238 нафари олий ҳарбий ва олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган.

Асосий вазифамиз эркин фикрлайдиган, юксак билимли, жамиятда мунособ ўрин эгаллаш қобилиятига эга, мустақил қарор қабул қилишга қодир, мамлакатни, халқни ва оиласининг фаровонлиги ҳамда янада ривожланишига ҳисса қўша оладиган ватанпарвар ёшларни тарбиялашдир. Устувор мақсадимиз эса ўқувчи-ёшларни тузилаётган гуруҳ афродида бирлаштириш ва жиқлаштириш, улар орасида ҳарбий-ватанпарварлик, ўқув-тарбиявий тадбирларни ўтказишда асосий ташкилотчи сифатида фаолият юритиш, ўқувчиларда ўқиш ва интизом бўйича юқори натижаларга эришишга иштиёқни уйғотиш ҳамда уларга ўрнат бўлиш.

Қисқаси, “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати доирасидаги ишлар ёшларда ватанпарварлик туйғуларини янада ошириш, уларнинг аждодларимизга мос авлод бўлиб ўлгайишида муҳим ўрин тутаяпти.

Акобир НУРУЛЛАЕВ,
“Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати раҳбари

Бугунги нотинч, талатўп замонда барча таҳдидларга муносиб жавоб бера оладиган, яхши қуrolланган замонавий армиягина юртни кўриқлаш имконига эга бўлади. Шу боис, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Қуrolли Кучларимизни давр талабларига ҳамоҳанг шакллантириш кун тартибидagi бош масала этиб белгиланди.

Айниқса, кейинги йилларда миллий армияни ислоҳ қилиш жараёнида, аввало, уни замонавий қуrol-яроғ, техника билан жиқозлаш ва ҳар қандай оғир шароитда жанговар вазифаларни бажаришга қодир, юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Иккинчидан, ҳарбий соҳадаги халқро ва маҳаллий ютуқлар ҳамда илгори тажрибали кадрларнинг кенг фойдаланилмоқда.



тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. У билан Қуrolли Кучларнинг ташкилий тузилиши, жанговар кучи ва тайёргарлиги, шунингдек, мамлакатнинг мудофаа қобилияти мустақкамланди.

Шартнома бўйича хизмат қиладиган аскарлар улуси 2016 йилда 37 фойзини ташкил этган бўлса, бугунга келиб, бу рақам 70 фойзга етди. Қўшинларни замонавий қуrol-яроғ билан жиқозлаш даражаси эса беш баравар ошди.

Бугун дунёда содир бўлаётган ҳарбий тўқнашувларда гибрид қуrolлардан фойдаланиляпти. Бу эса қўшинларимизнинг ҳам жанговар ҳаракатлар пайтида бундай қуrolлардан фойдаланиш малакасига эга бўлишни талаб қиладди. Бунинг бугунги вазият, даврнинг ўзи тақозо этиляпти. Миллий армиямиз ҳозир ушбу турдаги қуrolлардан фойдаланиш бўйича катта салоҳиятга эга.

Янги Ўзбекистонни ҳар жиҳатдан тараққий эттиришга доир стратегик ҳужжатларда юртимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, жамиятимизда тинчлик ва тотувлиқни таъминлаш, Ватанимиз мудофаа қобилиятини янада мустақкамлаш ва Қуrolли Кучларимизни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган. Жумладан, янги тахрирдаги Конституцияимизнинг 64-моддасида “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар”, деб ёзилган.

Халқаро Global Firepower Index рейтингиди Ўзбекистон армияси Марказий Осиёда биринчи, МДҲ мамлакатлари орасида тўртинчи ва дунёнинг 162 давлати орасида 58-ўринда қайд этилгани билан фахрланасак арзийди. Ушбу индекс мутахассислари армияларни баҳолашда олтишдан ортиқ мезонни ҳисобга олган. Хусусан, мудофаа харажати суммаси, техник қўллаб-қувватлаш, армия сони, танклар, кемалар, самолётлар ва бошқа ҳарбий техникалар сони, мамлакатда нефть маҳсулотларининг мавжудлиги ва географик жойлашуви хусусиятлари, ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол ҳажми, маълум ресурслар ва логистика имкониятлари каби қўллаб мезонлар ўрганиб чиқилган.

Бугун ёшларимиз мустақил юртимизнинг тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, хотиржамлигимиз посбонларидир. Шу маънода, навқирон авлод вакилларини қанчалик баркамол, етук қилиб вояга етказсак, уларнинг ҳар бирида ор-номус, миллий гурурини изчил шакллантириб борсак, Ватанимиз шунчалик қудратли давлатга айланади.

Она Ватанини, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилиш, ватанпарвар бўлиш, содиқлик, фидойилик туйғуларини ҳис этиб яшаш ёшларимиз учун виждон ишига айланмоғи шарт.

Юртимизда Ватан ҳимоясига ўзини бағишлаган ҳарбийларимиз алоҳида қадрланиб, ҳар йили 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни катта байрам сифатида кенг нишонланади. Бу каби эътибор ва эътироф масъулиятли касб эгаларининг Ватан олдидаги хизматлари юқори баҳолалишини намоён этиб, уларга куч-қувват, юрт ҳимояси борасидаги фаолиятига шижоат бағишлайди.

Ғайбулла АЛИМОВ,
Жамоат хавфсизлиги университети профессори,
юридик фанлар доктори



2026 йил 14 январь, 8-сон

Кучли иқтисодиёт — тараққиёт асоси


ҚОИДА ЯРАТУВЧИ ВА БОЗОР ЎРТАСИДАГИ МУВОЗАНАТ



“Жаҳон миқёсида рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда фақат юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқарадиган давлатларгина дунё бозориди ўз ўрнига эга бўлмоқда. Шунинг учун иқтисодиётнинг барча соҳаларида юқори самардорликка эришиш — келгусида ислохотларимизнинг бош мезони бўлиши шарт” — дея алоҳида таъкидлади Президентимиз.

Бинобарин, иқтисодий тажриба ва изланишлар шунчи кўрсатадики, бозор ҳам, давлат ҳам яқка ҳолда барқарор тараққиётни таъминлай олмайдди. Бозор эркинлиги рақобат, инновация ва самардорликни рағбатлантирса, давлат иштироки иқтимоий адолат, барқарорлик ва умумий қоидаларни таъминлайди. Муаммо айнан шу икки куч ўртасидаги мувозанат бузилган пайтда юзага чиқади.

Агар давлат бозорга ортиқча аралашса, тадбиркорлик ташаббуслари чекланади, рақобат сусаяди ва иқтисодий фаоллик пасаяди. Аксинча, давлатнинг роли етарлича таъминланмаса, монополиялар шаклланиши, нархларни сунъий ошириш, истеъмолчилар манфаатларининг бузилиши хавфи ортади. **Шу боис, замонавий иқтисодий сиёсатда энг долзарб масала — давлат ва бозор ўртасида оқилона мувозанатни топши ҳисобланади.**



Айни пайтда Ўзбекистон янги иқтисодий сиёсат босқичига қадам қўйиб бораётган, давлатнинг иқтисодиётдаги ролини аниқ белгилаб олиши, унч бевосита ишлаб чиқарувчи эмас, балки тартибга солуви ва қафолатловчи сифатида шакллантириши лозим. Бизнинг фикримизча, айнан шу ёндашув замонавий бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб беради ва барқарор иқтисодий ўсишга замин яратяди.

Янги иқтисодий сиёсат давлатни бозордан четлатишни эмас, балки унинг аралашувини сифат жиҳатдан ўзгартиришни назарда тутяди. Давлат бозорни бошқариши керак эмас, аммо унинг адолатли, шаффоф ва рақобатли ишлашини таъминлаш шарт. Бу эса қонун устуворлиги, монополияга қарши самарали механизмлар ва барча иштирокчилар учун тенг шароит яратиш орқали амалга оширилади.

Бугунги кунда фуқароларнинг фаровонлиги, тадбиркорларнинг ишонч билан фаолият юритиши ва инвестиция муҳитининг жозибдорлиги айнан шу мувозанатга боғлиқ. Аслида, давлатнинг асосий вазифаси бозорни теклаш эмас, балки уни соғлом рақобат асосида ривожлантиришдир. Зеро, эркин ва адолатли бозор мавжуд жамиятда сифатли маҳсулот, мақбул нарх ва барқарор иш ўринлари шаклланади.

Давлат ва бозор ўртасидаги муносабатлар мувозанатли турли мамлакатларда турлича шаклланиши. Баъзи ҳолатларда давлатнинг ортиқча маъмурий аралашуви тадбиркорлик фаолигини пасайтирган, инвестиция муҳитини заифлаштирган. Бошқа айрим мисолларда эса давлат назоратининг етарли даражада эмаслиги бозорда усту мавқега эга субъектларнинг шаклланишига, нархларни сунъий ошириш ва рақобатни чеклаш ҳолатларига олиб келган.

Бозор иқтисодиётининг муҳим устуниқларидан бири — рақобат. Рақобат ишлаб чиқарувчиларнинг ҳаракатларини қисқартиришга, сифатни оширишга ва инновацион ечимларни жорий этишга ундайдиган куч. Шу боис, рақобат муҳитини муҳофаза қилиш давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Давлат ва бозор ўртасидаги мувозанат масаласи бугун тасодифий муҳоама мавзуси эмас, балки Ўзбекистоннинг узок муддатли тараққиёт мақсадлари билан бевосита боғлиқ стратегик йўналишдир. Янгиланаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси айнан шу мувозанатни таъминлашни иқтисодий сиёсатнинг марказига қўяди.

Мазкур стратегияда иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, хусусий сектор улушини ошириш, рақобат муҳитини мустаҳкамлаш ҳамда давлатнинг иқтисодиётдаги ролини сифат жиҳатдан янгилаш асосий устувор вазифалар



Саноат маҳсулотларини маҳаллийлаштириш ҳақида гап борганда, бугун мамлакатимиз драйверига айланган электротехника тармоғини яққол мисол келтириш мумкин. Охирги йилларда айнан шу тармоқда миллий маҳсулотларимиз сони ҳам, тури ҳам кескин ортди.

Янги ишлаб чиқарувчилар, миллий брендларимиз пайдо бўлди. Ҳозир хонадонларимизда фойдаланилаётган маиший техника воситаларининг аксарияти ўзимизнинг тадбиркорлар томонидан юқори сифатда ишлаб чиқарилмоқда. Миллий бренд маҳсулотларимиз ички бозорлардан ташқари хориж давлатларига ҳам фаол экспорт қилиняпти.

САНОАТНИНГ МУҲИМ ДРАЙВЕРИ

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА КАТТА ТАРМОҚҚА АЙЛАНДИ



Ўтган йиллар давомида тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми 8,1 баробар ошиб, соҳанинг саноатдаги улуши 3,5 фоиз, товарлар экспортда 10 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда электротехника йўналишида мингдан ортиқ кичик ва ўрта корхона фаолият юритиб келяпти. Соҳада 35 мингдан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Шу жиҳатдан ушбу тармоқ мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим ўсиш нуқталаридан бири, аҳоли бандлигини таъминлашнинг катта йўналиши сифатида намоён бўлмоқда.

Ўртимиздаги ривожланишлар кўлами, тараққиёт истиқболлари ҳам бунга замин яратётганини сир эмас. Ўтган 2025 йил мамлакатимиз иқтисодиётда катта натижалар билан тарихга муҳрланди. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида эришилган натижалар, ютуқлар сарҳисоб қилинар экан, катта-катта рақамлар тилга олингани бежиз эмас. Кўз ўнгимизда ана шу натижалар рўй берди ва бунда барчамиз иштирок этганимиз кишини қувонтиради.

Хусусан, 2025 йилда тарихимизда илк бор ялпи ички маҳсулотимиз 145 миллиард доллардан ошгани улкан ислохотлар самарасидир. Бунда иқтисодиётнинг ҳар бир соҳаси, тармоғининг ҳиссаси бор. Ривожланишлар кўрсаткичи барча йўналишларда бирдек изчиллик билан ўсиб боряпти. Натижалари эса халқимиз турмуш фаровонлигида кўзга ташланамоқда.

Ўзбекистон электротехника саноати учун муваффақиятли, юқори натижаларга бой бўлди. Айни пайтда синовлардан ҳам холи бўлмади. Гап шундаки, жаҳон иқтисодиёти логистика занжирларидаги узилишлар, ҳомашё нархлари ўзгараучанлиги, айниқса, мис ва электрон компонентлар бозоридидаги танқислик сақланиб қолди. Шу билан бирга, айрим минтақаларда геосиёсий беқарорлик кузатилди.

Ана шундай мураккаб шароитга қарамай, Ўзбекистон электротехника саноати давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган аниқ саноат сиёсати, инвестициявий муҳитнинг яхшиланиши ва маҳаллийлаштириш дастурлари ҳисобига барқарор ўсишни сақлаб қолди. 2025 йилни соҳа учун “иқтисодий сакраш ва барқарорлашув йили”, деб баҳолашас бўлади.

Йил аввалида қилинган режалар ўзини оқлаб, ўсиш кўрсаткичи 1,5 баробар бўлди. 2025 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 35 триллион сўмга, экспорт ҳажми эса қарийб 1,5 миллиард долларга етди. Мисни қайта ишлаш ҳажми 100 минг тоннани ташкил этди. Янги йилларгача ушбу кўрсаткич 32 минг тоннани ташкил этганини ҳисобга олсак, ўсиш сезиларли даражада юқори эканини кўриш мумкин. Бу кейинги йилларда мисдан юқори қийматли маҳсулот яратишга бўлган талаб ортиб бораётганидан ҳам далолат.

Миллий брендга ишонч

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўтган йил давомида юртимизда 5 триллион сўмлик электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши. Бу 2023 йилдагига нисбатан қарийб икки баробар ўсишни англатади. Электродвигателлар, лифт ва эскалаторлар, саноат совитиш тизимлари, электрон плиталар, қуёш панеллари, сув насослари ва иштиш ускуналари каби янги маҳсулотлар ўзлаштирилди. Бу натижалар электротехника саноатида нафақат ишлаб чиқариш қувватлари кенгайгани, балки маҳсулот турлари диверсификация қилиниб, юқори қўшилган қийматга эга товарлар улуши ошганини кўрсатади.

2025 йилда соҳага жалб этилган инвестиция ҳажми 213,1 миллион долларни ташкил этди. Бу, асосан, иккита йирик йўналиш — мисни қайта ишлаш кластери ҳамда маиший техника ва иштиш ускуналари ишлаб чиқариш лойиҳаларига йўналтирилди.

Аваллари лойиҳалар, асосан, пойтахт ва унга ёндош ҳудудларда амалга оширилган. 2025 йилда эса лойиҳалар юртимизнинг барча ҳудудларини қамраб олди. Ҳудудларда йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. Умумий қиймати 587 миллион долларлик 71 та лойиҳа ишга туширилган бўлса, шунинг 70 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳиссасига тўғри келди. Йил давомида Оҳангарон тумани, Фарғона шаҳри ҳамда Урганч туманида технопарклар ташкил этилиб, 403,2 миллион долларлик 26 та лойиҳа амалга оширилиб, шундан 5 таси 2025 йилда ишга туширилди. Янги қувватларда мис трубка ва фитинглар, юқори кучлинишли кабеллар, идентификацияловчи сим карталар, маиший техника маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти.

Лойиҳаларда асосий урғу янги маҳсулот ва ишлаб чиқариш технологияларига қаратилмоқда. Масалан, биргина пойтахтимиздаги замонавий технопаркда умумий қиймати 465 миллион доллардан зиёд 17 та лойиҳа рўёбга чиқариляпти. Электрон газ хисчикичлар, маиший



Ўзланган режалар ва лойиҳаларнинг кўлами кенг. Мамлакатимиз электротехника саноатида кучайиб бораётган қувватлар, шароит ва тажриба мазкур лойиҳаларни фаол амалга оширишга имкон беради.

советикчилар, саноат кондиционерлари ва совитиш тизимлари, сув насослари, лифт ва эскалаторлар, форма ва қолиплар ишлаб чиқаришга оид янги лойиҳалар ишга туширилди.

Ўзбекистон электроника ва яримўтказгичлар саноатини ривожлантиришга қадам қўётган давлатлар қаторига кириб бормоқда. Мамлакатимизда Малайзия ва Сингапур каби дунёнинг етакчи мамлакатлари тажрибасини қўллас ва бу орқали ҳамкорликни кенгайтиришга дастлабки ҳаракатлар бошланган. 2025 йилда Малайзиянинг “MIMOS Berhad” ташкилоти билан ҳамкорликда Ўзбекистонда микроэлектроника ва яримўтказгичлар соҳасини ривожлантириш бўйича икки томонлама келишувларга эришилди. Бу интеграл микросхемалар дизайнини яратиш, кремний пластиналар ишлаб чиқариш ҳамда яримўтказгичларни йиғиш ва синовдан ўтказиш йўналишларини қамраб олади.

Умуман, бу жараёнда маҳаллий тадбиркорлар асосий иштирокчига айланди. Шу боис, электротехника саноатида тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилляпти. Уларнинг фаолиги билан янгидан янги ишлаб чиқариш қувватлари, турли номдаги маҳаллий брендлар пайдо бўлади. Ҳудудларда ишга туширилаётган лойиҳаларнинг катта қисми кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳиссасига тўғри келади.

Замонавий стандартлар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташки бозорларга реализация қилиш ҳам осонроқ кечади. Бу Ўзбекистонни минтақадаги электротехника ҳабиға айлантириш бўйича олдимизга қўйган вазифамизнинг бир қисми ҳамдир. Бунинг учун ҳамкор ва қўшни мамлакатларда ишлаб чиқариш саноатини ташкил этиб, юртимиздан бутловчи ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш чоралари қўрилмоқда. Жумладан, Тожикистон ва Қозғистонга иссиқхона қозонлари, телевизор, музлаткич ва совиткичлардан ташқари, сув иситкич, ошхона плиталари, минипеч, чангюткич, ошхона дудбўриш, кир ювиш машинаси каби маиший техника ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бутловчи ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ҳажмлари оширилди.

Янги бозорларга илк қадам

Электротехника ҳозир дунёдаги энг катта бозорлардан бири ҳисобланади. Замонавий технологиялар ривожланиши электрон маҳсулотларга талабни кун сайин оширяпти. Шундай шароитда бу бозорга кира олган, унда ўз ўринини эгаллаган давлатлар яхшигина даромадга эга бўлади. Яъни ишлаб чиқариш қувватлари билан бирга экспорт кўрсаткичларини ҳам ошириш асосий вазифаларимиздан биридир.

2025 йил бу борада сезиларли кўрсаткичларга эришдик деб айта оламиз. Экспортёр корхоналарининг томонидан қиймати 1,5 миллиард долларлик электротехника маҳсулотлари хорижий буюртмачиларга етказилди. Экспорт географиями 72 та давлатга етди. Маҳсулотларимиз илк бор Дания, Баҳрайн, Индонезия каби янги бозорларга кириб борди. АҚШ, Канада, Хиндистон, БАА, Туркия, Буюк Британияга

экспортни йўлга қўйган маҳаллий корхоналаримиз сони ҳам ортди. “GSP+” имтиёзларидан фойдаланган ҳолда Европа мамлакатларининг ўзига 22 та корхонага қарийб 150 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилишга эришди.

Жаҳон тенденцияси кўрсатмоқдаки, аънавий сотиш усулларидан кўра, онлайн тарзда маркетплейслар орқали савдо қилиш анчагина бюрократик тўсиқлардан халос этади. Шу боис, жорий йилда Буюк Британиянинг “Питакс”, Франциянинг “Auchan” ва “Leroy Merlin”, Россиянинг “М.Видео-Эльдорадо”, “DNS Atlas” ва “Wildberries” ҳамда Қозғистоннинг “Sulpak” ва “Технодом” каби йирик савдо тармоқлари орқали маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт кўламини кенгайтириш ҳаракатлари фаоллашди. Хусусан, Россия ва Қозғистон бозорларига йирик маркетплейслар орқали кириб бориб, тўғридан тўғри ажуний истеъмолчига маҳсулот етказиб бериш тизими йўлга қўйилди. Натижада Россияга экспорт ҳажмини 500 миллион доллар, Қозғистонга бозорига 300 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.

Бундан ташқари, аввал янги эътибор берилмаган Афғонистон бозорига ҳам аста-секинлик билан кириб бормоқда. 2025 йилнинг ноябрь ойида Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳридаги энг гавжум савдо ҳудудига “Uzelectronics” мультибренд савдо маркази очилиши бу йўналишдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Ушбу марказда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган электротехника маҳсулотлари сотуви йўлга қўйилди. Айни пайтда 25 та ўзбек компанияси томонидан 500 дан ортиқ турдаги маҳсулот харидорларга тақдим этилмоқда.

Афғонистон бозорига яна иккита шундай савдо маркази иш бошлади. Бу орқали ушбу мамлакатда экспорт ҳажмини 10 миллион долларга етказиш кўзда тутилган. Қолаверса, Россияда мультибренд сервис маркази ташкил этиш ҳамда маркетплейслар орқали ушбу давлатга экспорт ҳажмини 500 миллион долларга етказиш, АҚШда маҳсулотларни тарқатиш марказлари ташкил этиш орқали йирик компаниялар таъминот занжирига кириш ва 120 миллион долларлик экспортни амалга ошириш бўйича фаол ҳаракатлар қилинмоқда.

2026 йилдан кутилмаваримиз

2025 йил давомида эришилган натижалар бу йилдаги режалар учун ҳам муҳим асос бўлади. 2026 йилда электротехника саноати олдига қўйилган мақсадлар катта. Аввало, ишлаб чиқариш ҳажмини 50 триллион сўмга, экспортни эса қарийб 3 миллиард долларга етказиш, шунингдек, инвестициялар ҳажмини 250 миллион доллардан ошириш режалаштирилган. Ҳудудларда янги кластерлар ташкил этилиб, йирик лойиҳалар ишга туширилади. Жараёнда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, технологик янгиланишларни жорий этиш ва ташки бозорларда миллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга устувор аҳамият қаратилляпти.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва янги технологик ривожланишга ўтиш жараёни дунё товар ва молия бозорларида, рақамли технологияларни жорий этиш соҳасида рақобатбардош замонавий кадрларга талабни тобора кучайитиришга олиб келди. Шундан келиб чиқиб, келгусида тармоқ учун 15 минг 200 нафар, шундан 3400 нафар олий ва 11 минг 800 нафар ўрта маълумотли мутахассис кадрга эҳтиёж режа қилинмоқда.

Соҳада халқаро ҳамкорлик янада кенгайтирилади. Жумладан, Хитойнинг “Goipon” компанияси билан ҳамкорликда литий батареялар, Даниянинг “FLSmith” компанияси билан тоғ-кон саноати ускуналари, 2027 йилда эса Хитойнинг “Great Wall” компанияси билан ҳамкорликда сервер ва дисплейлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янгитхёт туманидаги “Янги авлод” саноат зонасида электротехника йўналишида ҳам йирик лойиҳаларни амалга ошириш ишлари бошланган.

Умуман, қўзланган режалар ва лойиҳаларнинг кўлами кенг. Мамлакатимиз электротехника саноатида кучайиб бораётган қувватлар, шароит ва тажриба мазкур лойиҳаларни фаол амалга оширишга имкон беради.



2025 йил 3 май куни содир бўлган ушбу кўнгилсиз воқеада икки қизалоқнинг ҳам жони омон қолди, аммо бир ватандошимиз бу эзгу иш йўлида ўзини фидо қилди. Айтинг-чи, бу ишни инсонпарварлик, халқсеварлик демай бўладими? Аслида, мана шунинг ўзи ватанпарварлик эмасми?

Эссе

ТУГМА ВАТАНПАРВАР

ёхуд қалбни қувватлантирувчи ҳикоялар



Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ватанпарварлик нима?

Тунов куни ижтимоий тармоқларда “Айни пайтда энг ватанпарвар халқ қайси?” дея бир нечта вариантдан иборат сўровнома жойладим. Ҳамма ўз билганини илгари сура бошлади. Кимдир қўчаларида байроғи ҳил-пираб турган туркларни ватанпарвар, деса, бошқа биров ҳамма жойни ўз уйидек озода тутадиган японларни мақташга тушди.

Базилар бутун дунё ахлининг қўлига “Айфон”ни тутқазиб қўйган АҚШни, айримлар эса “Жумонг”, “Тангем” каби тарихий сериалларни ишлаган Жанубий Кореянинг аҳолисини энг ватанпарвар халқ деб таърифлади. Бироқ деярли ҳеч ким “Уша ватанпарвар — бизмиз”, демади.

Одамларга бошқа бундай савол бермайдиган бўлдим. Сўровномани ҳам таг-туғи билан ўчириб юбордим. Наҳот орамизда ватанпарварлар бўлмаса? Ҳар сафар 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини қўлига тутилганини фахр билан айтсам, одамлар “Тугма ватанпарвар экансиз-да”, дея ҳазиллашди. Ҳар гал қадимини кериб, “Албатта”, дердим. Аммо юқоридаги воқеадан кейин ўйланиб қолдим.

Сўнг теварак-атрофимдан ватанпарвар инсонларни қидира бошладим. Биласизми, сон-саноксиз ватанпарвар юртдошларимизни топдим. Ҳа, улар биз билан шундоқ ёнма-ён яшамокда. Лекин биз уларни пайқаймаймиз. Сабаби “Кичкина табиб” фильмида айтилганидек, қалбимиздан “Кичкина қанотлари бор оппоқ фаришта”лар кетиб қолган”ида бўлса керак. “Ватанпарвар” сўзига бундай муносабат эса унинг сийқасини чиқариб қўлаганимизда бўлса не ажаб. Одатда ватанпарварлик, миллатсеварлик, халқпарварлик каби сўзлар қанча қўй айтилса, оҳори шунча тез тўкилади. Ҳолбуки, бундай фазилатлар айтилмайди, кўрсатилади. Кимдир қайсидир эзгу иш билан кўрсатса, биз уни ҳис қиламиз. Мен сизга айтиб бермоқчи бўлган ҳикоялар ватанпарварликнинг эртак ҳақида сўзлайди. Улар эртатка ўхшаб туюлади. Аммо сизни ухлатмайди, аксинча уйғотади. Қор қоплаган туйғуларингизнинг чечак каби очилишига туртки беради. Қалб-бингизни қувватлантиради. Ахир улар — уйғотувчи эртаклар.

Инсонпарварлик

Куёш аллақачон тоғлар ортига чўккан эди. Аммо анҳор бўйида ўтирган уч қизалоқ ўйин билан овора бўлиб, қош қораяётганини пайқамасди. Пишқириб оқаётган Бўрижар

каналдаги сув худди бўрига ўхшаб ув тортарди. Бироқ унинг овозини катта шаҳарнинг шовқин-сурони ютиб юборарди. Қизалоқлардан бири уйига кетмоқчи эканини айтгач, ўйин тўхтади. Бошқаси эса аввал оёғини ювиб олишини айтиб, анҳор томон югурди. Сув бўйига яқинлашганда, тўсатдан сирпаниб, канал ичига тушиб кетди. Унинг қичқирғини эшитган дўгонаси ёрдам бериш учун ўзини сувга олди. Аммо у ҳам чўка бошлади. Учинчи қиз эса нима қилишини билмай қолди. Сўнг хаёлини йигиб, одамларни ёрдамга чақирди. Шу атрофдан ўтиб кетаётган бир аёл кўмакка шошилди. Аммо қизлардан бири қирғоққа яқинроқда бўлса, иккинчиси канал ўртасида оқиб борарди.

Аёл қирғоққа яқин қизни қутқаришга уринди. Бироқ иккинчи қизни сув оқим бўйлаб олиб кетди. Шу тобда канал яқинида яшовчи Абдуллоҳ Самиковнинг кўзи оқиб кетаётган қизчага тушиб қолди. Аввалига сувдаги болага қараб, уни ўзининг боласи деб гумон қилди ва ортида турган ўлига: “Қара, уканг оқиб кетяпти!” дея бақирганча сув томон югурди. Канал бўйига тушишдан олдин ўғли бу унинг укаси эмаслигини, укаси ҳовлида ўйнаб юрганини айтди.

Абдуллоҳ ака сувга сакради ва чўкаётган қизалоқни тутиб қолди. Норасидани сув бўйига олиб келди, аммо ўзи сувдан юқорига кўтарилса олмади. Катта ўғли отасининг қўлини аҳволда қолганини кўриб, ўзини сувга олди. Абдуллоҳ ака оқимга қаршилиқ қилишдан жуда ҳориганди. Қўлидаги болани



ўғлига берди-ю, ўзи гарқ бўлди. Бу орада бошқалар ёрдамга келиб, йигитни ва қизалоқни қутқарди. Аммо қахрамоннинг ўзи сувга тушган нурдек ғойиб бўлганди...

2025 йил 3 май куни содир бўлган ушбу кўнгилсиз воқеада икки қизалоқнинг ҳам жони омон қолди, аммо бир ватандошимиз бу эзгу иш йўлида ўзини фидо қилди. Айтинг-чи, бу ишни инсонпарварлик, халқсеварлик демай бўладими? Аслида, мана шунинг ўзи ватанпарварлик эмасми?

Орадан бир ой ўтиб, Президентимизнинг “Бир гуруҳ фуқароларни “Жасорат” медали билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармонида кўра, қахрамонлик кўрсатган юртдошларимизнинг матонати ва инсоний фазилатлари эътироф этилди ҳамда давлат мукофоти билан тақдирланди. Улар орасида Абдуллоҳ Самиков ҳам бор эди...



Фидойилик

Пандемия бутун дунёни таҳликага солган даврлар эди. Ушанда одамлар ҳар куни қанча одам коронавирус туфайли вафот этгани ҳақидаги статистикани ўқиб, тирик қолгани учун шукрона айтарди. Мамлакатимизда ҳам қатъий карантин тартиби ўрнатилган эди.

Уша кезларда Соғлиқни сақлаш вазирлигида ишлардим. Бир куни раҳбаримиз келиб: “Тез тайёрланинг, журналистлар билан Зангитотадаги юқумли касалликлар шифохонасига бориб, у ердаги жараёни батафсил ёритиб келасиз”, деди. Шифохонада махсус карантин ҳудуди ташкил этилиб, коронавирус билан касалланганлар даволанаётган эди. Аввалига юрагим увушиб, пешонамдан совуқ тер чиқаёндай бўлди. Жон дегани ширин экан-да. Айниқса, ҳар куни эълон қилинаётган ўлим ҳақидаги хабарлар кишида ваҳима уйғотаркан. Бу ҳудуд соғлом одам учун нақ вируснинг ўчоғи эди ахир. Бўлмади, охири журъат топиб: “Менми!” деб сўрадим овозим қалтираб. “Ҳа, сиз. Қайсидир куни мен ҳам бориб келдим. Мана юрбман-ку”, деди раҳбаримиз ўта хотиржамлик билан.

Хуллас, 10-20 чоғли журналист билан айтилган манзилга бордик. Киришимиздан олдин шифокорлар карантин талаблари ва беморлар билан хавфсиз мулоқот талабларини тушунтирди. Махсус ҳимоя кийимлари берилди. У ерда шифокор ва ҳамшираларнинг беморларни даволаш учун жонини жабборга бериб ишлаётганини кўргач, ичимдаги ҳадиқдан асар ҳам қолмади. Оқ либос эгалари ўз ҳаётини хатарга қўйиб, хасталар тузалиш учун астойдил курашаётган эди. Ушанда касбга садоқат, фидойилик қандай бўлишини теран ҳис қилдим. Халқ учун фидойилик билан хизмат қилган бундай инсонларни ватанпарвар, десак, асло муболага бўлмайди.

Ортиқча таъриф у тавсифга зарурат йўқ. Зотан, бу даврни бирга бошдан кечирдик. Шифокорларнинг фидойилигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Агар бир оз ёдингиздан кўтарилган бўлса, Тошкент шаҳридаги Галаба боғи ёдгорлик мажмуаси эндидаги “Тиббиёт ходимлари хотираси” хиёбонини сайр қилинг. Бу ерда пандемия пайтида беморлар ҳаётини қутқариш учун ўзини фидо қилган шифокорлар ва ҳамширалар ҳақида маълумотларга эга бўласиз.

Қахрамонлик

— Энди иложи йўқ.
— Бизни “синдиришди”.

Кийиниш хонасида турнақатор тизилиб ўтирган ўсмирларнинг хаёлида мана шу фикр айланади. Улар бу сўзларни ошқора айтишдан, бир-бирига умидсиз нигоҳини кўрсатишдан ийманарди.

Барча бошини қўйи солиб ўтирарди. Зинҳор бир-бирига тик қарамасди. Чунки ҳали ўйин тугамаган, кўзидаги ёшни жамоадoshiга кўрсатгиси келмасди. Ахир кўз кўзга тушганида беҳосдан ичдаги сўзларни айтиб юбориш, ўзининг умидсизлигини жамоадoshiга ҳам юктириш мумкин эди.

Шу пайт хонага мураббий кириб келди. У шогирдларининг нигоҳига боқди. Чунки мураббий кўзидаги ишонч, умид, жасорат, ватанпарварлик туйғуларини шогирдлари кўнглига кўчириши керак эди. У “Ғалаба қозонишни хоҳлайсизларми?” деб сўради. Ҳеч ким жавоб бермади — ахир шусиз ҳам ҳаммаси тушунарли эди — зафар қучишини ким истамайди?! Мураббий ишонч ва қатъият билан сўзида давом этди: “Агар ғалаба қозонишни истасангиз, курашинг. Чунки ўйин тақдирини ўзингиздан бошқа ҳеч ким ўзгартира олмайдми... Ватан шаъни, миллат гурурини ҳимоя қилинг!”.

Мураббий овозидаги дадиллик футболчиларнинг руҳини кўтарди. Қўзларидан ишонч чўғи эса шогирдларнинг туйғуларини алангалатиб юборди.

Кейин яшил майдонда мана содир бўлганга барчамиз гувоҳ бўлдик. 2025 йил 20 апрель. Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё кубоғи финалида турнир мезонларини 2:0 ҳисобида магълуб этиб, чемпион бўлди. Энг ҳайратланарлиси, ўзбекистонликлар биринчи бўлмининг ўзидаёқ иккита қизил карточка олиб, 9 киши бўлиб қолганди.

Ўйинни кузатган миллионлаб юртдошларимиз пайқагандир: йигитларимизнинг биринчи бўлимидаги ҳаракатидан иккинчи бўлимдаги ўйини фарқ қиларди. Сабаби энди улар фақат маҳорат ва жисмоний кучга эмас, балки матонат, ор-номус, ғурур, миллатсеварлик ва ватанпарварлик ҳисларига ҳам таянارد. Уларнинг натижасини ҳеч иккиланмай қахрамонлик деб аташимиз мумкин.

Бурч ва садоқат

(Аскарнинг ўлига мактуби — реал воқеаларга асосланган бадий тўқима)

Сурхондарё тоғларида ярим метрли қор ёғмоқда. Бу ернинг изгирини танангга

Калашников ўқидан ҳам чуқурроқ тешиб ўтади. Елкамга оғир қурол тақилган ҳолда бу мактубимни ёзяман. Ҳа, бутун мен шунга қарор қилдим.

Ўғлим, бу сенга ёзган сўнгги мактубимдир. Агар сен бу хатни ўқиётган бўлсанг, демак, мен аллақачон нариги дунёдаман. Нега бу мактубни ёзаётганим ҳақида сўрамоқчимисан? Ўғлим, ахир айтишади-ку, ўлим қутилимаганда келиди деб. Гўё бу биз — аскарлар учун ўйлаб топилганга ўхшайди.

Ана, мен турган ердан 100 метр нарида чегара тўсини бор. Оппоқ қор устига ёпилган зулматда гира-шира кўзга ташланади. Биласанми, шу чегаранинг нариги томонида, тоғли афғон ўлкасида уруш бўлмоқда. Ўлим шарпаси чегара атрофида кезади. Аммо зинҳор ва зинҳор бу томон ўтолмайди. Мен ва қуролдошларим бунга сира йўл қўймаймиз. Олиста тиккан кўзаларимизни бир зум юмиб очишга ҳам ҳаққимиз йўқ. Биз буни жуда яхши биламиз. Шунинг учун тарбияландик. Бизга ўлимга тик боқиб ўргатилган. Аммо инсон ҳар қанча маҳоратли бўлмасин, қисмат олдида ожиз қоларкан. Хизмат давомда бунга кўп гувоҳ бўлдим. Шунинг учун сенга айтмоқчи бўлган, қалбимдаги сўзларни қроғза туширялман. Агар уйга эсон-омон қайтиб борсам, бу хатни йиртиб ташлайман.

Энг қизиғи нима, биласанми? Мен ҳатто ўлимим сабаби нима эканини ҳам билмайман. Балки чегара атрофида қўмилган минглаб мишалардан бирини босиб қўйган бўламан. Ёки чегара ортидан адашиб келган дайди ўқ кўксимни тешиб ўтган бўлади. Анигини билмайман. Аммо шуни яхши биламанки, агар бу мактубни ўқиётган бўлсан, энди ҳаёт сенга осон бўлмайди. Ҳа, сен туяётган туйғуларни мен ҳам ҳис этганман. Мен отасиз ўсиш нима эканини яхши биламан. Отам бизни ташлаб кетган. Икки норасида гўдак — акам билан мени онамнинг ёлғиз ўзи катта қилган. Бу мактубни ўқиган пайтда сен энди ёш бола эмассан. Қап-катта йигитсан, бир онанинг бошисан. Бу масъулиятни, юкни сенга мерос қилиб қолдирялман.

Ўғлим, ҳаётнинг икки-чикирларига эътибор берма. Олдинда катта мақсад қўй ва унга интилиб яша. Онангини, сингилларингни доим ҳимоя қил. Мактабдаги тендшоларингнинг гап-сўзларидан жаҳлинг чиқмасин. Улар ҳали ёш бола, улғайгач, сени тушунишди. Ноҳақлик олдида жим турмасан, аммо уришиб-сўқишишдан фойда йўқ, буни ҳам унутма. Ҳақиқатга уруш билан эришиб бўлмайди.

“Эртага “оталар мажлиси”, ҳаммамнинг отаси келиши шарт”, дейдиган, 30-40 чоғли синфдошнинг орасида “Отаси йўқлар қўлини кўтарсин”, дейдиган ўқитувчиларнинг билан талашма. Амакинингга айтсанг, ўрнимга мажлисга боради. 9 май ёки 14 январда фахрий ёрлик, совға-салом кўтариб келадиган, сени бағрига босиб камера олдида жимлайиб турадиган масъуллардан жаҳлинг чиқмасан. Улар ҳам ўз вазифасини бажаряпти.

Сўнгги ўғитим: ҳеч қачон “Отам йўқ”, деб бошингга этма. “Етиммисан?” деб сўраса, мулзам бўлма. Сен нега бошингга эгшинг, нега мулзам бўлишинг керак?!

Ахир мен юртдан олиса, одамларнинг тинчлини бузиб, бузғунчилик қилиб ўлмадим. Ҳатто касалликдан ёки қутилимаган автохалокатдан умрмн поёнига етмади. Мен шу Ватан учун, халқ учун, сенинг келажагинг учун жон фидо қилдим. Сен бундай савол берганларнинг кўзига қараб: “Ҳа, отам йўқ. Отам сен ва мана шу халқнинг тинчлиги, давлатнинг келажаги учун фидо бўлган”, деб айт.

Ўғлим, мен қандай вафот этишимни билмайман, аммо қандай яшаганимни, нима учун жонимни қурбон қилганимни яхши биламан. Шунинг учун: ичган онгимга, бурчимга содиқ қолдим. Мен Ватан олдидаги сўнгги вазифамни бажардим. Сени ўқитиб, яхши одам қилиб етиштирса, халқимиз, давлатимиздан рози бўламан. Ўғлим, мен сени жуда яхши кўраман.

Эзгулик

Мақолага нуқта қўярканман, эшик тақиллади. Саҳифаловчимиз келиб, газета тайёр бўлганини, босмахонага олиб бориш кераклигини айтди. Босмахонага бордим. Газетани чоп этиб, шаҳар ташқарисидagi бошанам томон йўл олдим.

Тун чекиниб, аста-секин тонг ёришиб келмоқда. Қишнинг айна чилласи. Кўчада қолиб кетсангиз, туннинг қора совуғидан жон сақлаб қоларсиз, аммо эрталабки изгирининг заҳри танангизни фалажлай дейди. Менга бу совуқ ташқир этмапти, чунки иссиққина машинада уйга қайтыпман. Машина деразасидан ташқарига қарайман.

Кўчада иш қуролларини кўтариб олган ободонлаштириш бўлими ходимларига кўзим тушди. Бу совуқнинг заҳрини улар сезаётган бўлса керак. Улар совуқ қиличини меҳнат ўти билан енгяпти.

Бир оз юргандан сўнг кўча четида ёрилган қувурни сув кечиб тузатаётган одамларга кўзим тушди. Уларни кўриб ичимга совуқ ҳаво қилгандай бўлди. Яна машина ойнасидан электр симини кўтариб, симёғочга тирмашиб чиқаётган одамни кўрдим. Ҳаёлимга “Мана бу инсонлар ҳам ватанпарвар” деган гап келди. Фикримни жамлаб, ватанпарварлик бу — ҳалол меҳнат, ўз ишини сидқидилдан бажариш деб хулоса қилдим.

Ҳатто олис мамлакатларда юк машина ҳайдаб, совуқ ўрмонларда ишлаб, уйга пул юбориш ҳам ватанпарварликдир. Ахир улар оиласи яхши яшаши учун ишлаяпти. Оила эса Ватан ичидаги кичик бир ватан.

Кейин ватанпарварликнинг бошқа қирраларини ҳам кашф қилдим. Охири, шундай хулосага келдим: ватанпарварлик бу — барча эзгу ишлар инъикосидир.

Шунда ҳайдовчи акаимиз “Санжарбек, бутун туғилган кунингиз экан”, дея савол бериб ҳаёлимни бўлди. “Ўзр кунда туғилган экансиз, кўшалоқ байрамлар муборак бўлсин. 14 январда туғилиш ҳар кимга ҳам эмас. “Тугма” ватанпарвар экансиз-да”, деб табассум қилди.

“Ҳа, албатта”, дедим оғзимни тўлдириб, қувноқ оҳангда. Табрик учун раҳмат айтиб, яна ҳаёллар оғушига чўмдим. Атоқли шоирамиз Ҳалима Худойбердиеваннинг ушбу сатрларини такорладим:

Кундуз юриб ёздам, тун туриб ёздам,
Ёзганда кўксимга тиг уриб ёздам.
Дардларимга сийёҳ қор қилмай қолгач,
Қаламни қонимга ботириб ёздам.

Қон асли ёруғлик. Ёруғлан, тиз чўқ,
Асл мард Ватанга тиз чўкиб ўтар.
Қанча қонинг бўлса — Ватан учун тўқ,
Қанча шонинг бўлса — Ватанин кўтар!



GAZETADAGI
MATERIALLARNI
LOTIN EʼZUVIGA
ASOSLANGAN ʻUZBEK
ALIFBOSIDA ʻUQISH
UCHUN MAZKUR
QR-KODNI SKANER
QILING.